



Received: July 31, 2021
Accepted: August 22, 2021
Available online: September 25, 2021

Музаффар Хошимов

Андижон давлат университети
мустақил изланувчиси
Андижон, Ўзбекистон

СОДДА ВА ҚЎШМА ГАПЛАР МАҚОМИГА ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ЁНДАШУВ

АННОТАЦИЯ

Мақолада содда ва қўшма гапларнинг номинатив ва коммуникатив бирлик сифатидаги мақоми, таркибий қисмлари – эга, кесим, тўлдирувчи, ҳол, кириш бўлақлари ва кириш компонентларининг тавсифи, таърифи, таснифи, уларнинг функционал-семантикаси ва лингвопрагматик жиҳатлари билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Антропоцентрик парадигмани ташкил этувчи тилшуносликнинг замонавий йўналишлари ҳамкорлиги натижаларига кўра соҳа мутахассислари олдида қўндаланг турган ва ўз ечимини кутаётган фандаги бир қанча мунозарали ҳодисаларга муаллиф ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилган.

Бу масалаларга қиёсий-типологик жиҳатдан ёндашишда муаллиф ҳар қандай маънодор тил бирлиги каби гап ва унинг барча турлари ҳам тил белгиси сифатида яхлит бирлик бўлиб ҳисобланиши зарурлиги, айнан шу яхлитлик уларнинг ҳам конструктив, ҳам коммуникатив-прагматик жиҳатдан сўз каби бир бутунлигини ташкил этишлари умумлисоний қонуният эканлигидан келиб чиқиб, уларнинг синтактик вазибалар бажарувчи бўлақлари ва кенгайтирувчиларига янгича ёндашган, натижада аналитик қурилишга эга бўлган замонавий инглиз тили, агглютинатив қурилишга эга ўзбек тили ва флектив қурилишга эга рус тилининг эмпирик материаллари асосида уларнинг гап қобиғидаги шажаравий мақомларини очиб беришга эришган.

Муаллиф гапда қўлланилган ҳар қандай

Muzaffar Khoshimov

Independent researcher, Andijan State University
Andijan, Uzbekistan
E-mail: leagueuz@yandex.ru

COMPARATIVE-TYPOLOGICAL APPROACH TO THE STATUS OF SIMPLE AND COMPLEX SENTENCES

ANNOTATION

The article touches upon the topical problems of modern linguistics related to the question of the status of linguistic units in general, and of simple and complex sentences, in particular, as signs of a nominative and communicative nature; as well as upon their structural-semantic and functional-communicative semantic features and their constituent parts such as, for example, the subject, the predicate, the object, the adverbial modifier, the introductory part and the introductory component, which are peculiarly characterized, defined and classified by the author.

Proceeding from an integral approach to linguistic phenomena in modern directions of linguistics, which make up its anthropocentric paradigm, the author tries to express his attitude to a number of controversial issues faced by specialists in the field of syntax. Approaching these issues from a comparative-typological point of view, the author argues that, like any significant unit of a language, a sentence and all its types and varieties from a constructive and communicative-pragmatic points of view, should be considered as integral monolithic signs like a word. Pushing off from this general linguistic regularity, the author approaches in a new way to such parts of the sentence, which perform the syntactic function of a part of a sentence and its extenders, establishes and reveals their substantial status within the framework of sentences of such modern languages as English, which represents a type of languages of a predominantly analytical system; Uzbek representing a type of languages

тил бирлиги ўзи ёки бошқа бир бирлик билан қўшилиб муайян синтактик бўлак сифатида вазифалантирилиши, гапнинг қобиғи ичида синтактик жиҳатдан вазифалантирилмаган бўлакнинг бўлиши мумкин эмаслиги умумлисоний қонуният эканлигига алоҳида эътибор қаратган. Шу нуктаи назардан олганда, гап кенгайтирувчилари бўлаклар ҳисобланиб, бўлак кенгайтирувчилари гап бўлаклари бўла олмайди, деган ёндашувдан фарқли ўларок, муаллиф гапдаги бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвопрагматик нуктаи назардан янги-ча тавсифи ва таснифини ишлаб чиққан.

Калит сўзлар: гап ва унинг бўлаклари, субстанциал тилшунослик, формал тилшунослик, мустақил ва номустақил кесим шакллари, гап кенгайтирувчиси, сўз кенгайтирувчиси, бир чўққили содда гап, икки чўққили содда гап, тасниф.

of a predominantly agglutinative system, and Russian demonstrating a type of languages of a predominantly inflectional system.

According to the author, there is a universal law, in line with which any significant linguistic unit used in a sentence, alone or in combination with another unit, can and should function as a specific syntactic part of it, therefore, within the framework of a sentence there is not and cannot be such a member that should not have a syntactic function in it. Based on this approach to the sentence and its members, the author characterizes and classifies the members of the sentence and their extenders from the linguo-cognitive and linguo-pragmatic points of view in a new way, in contrast to the traditional approach, according to which the extenders of the sentence are its parts, and the extenders of the parts cannot be members of the sentence.

The article attempts also to clarify the question of the role and functions of the subject and predicate in the constructive structure of the sentence and their relationships with other parts of the sentence. As a result, a new taxonomy of a simple sentence, depending on the ability of the subject and predicate to create their “peaks” has been worked out. It is substantiated that the correct solution of the problems raised in the article contributes to the improvement of the state of learning and teaching languages and the process of translation from one language into another.

Key words: sentence and its members, substantial linguistics, constructive (formal) linguistics, dependent and independent predicate forms, sentence extender, word (term) expander, single-peaked simple sentence, double peaked simple sentence and their taxonomy.

КИРИШ

Бугунги тилшуносликда содда ва қўшма гапларнинг анъанавий структурал-семантик масалалари тадқиқи ва уларнинг лингвокогнитив аспекти билан чамбарчас боғлиқ бўлган когнитив асослари, пропозитив-номинатив, коммуникатив-прагматик жиҳатлари, шунингдек, уларнинг психолингвистик, социолингвистик, лингвостилистик ва лингвокультурологик аспектларидаги назарий ва амалий масалалари тадқиқи муҳим аҳамиятга эга. Чунки гап,

унинг когнитив асослари, таркиби, семантикаси ва кундалик мулоқотдаги лингвокултурологик вазифаларига алоқадор жиддий ва долзарб масалалар хануз ўз ечимини топмаган.

Гап ва унинг бўлаклари мақоми билан боғлиқ турли баҳслар натижасида тилшуносликда номиноцентрик ва вербоцентрик йўналишларнинг келиб чиқиши ва бундай баҳсларнинг бугунги кунгача давом этиб келаётганлиги мулоқот учун хизмат қиладиган асосий тил бирлиги ҳисобланувчи гапнинг серқирра лисоний когнитив воқелик эканлигидан далолат беради [Мухин А.М., 1968; 1999; 114].

Жаҳон тилшунослигида, шу жумладан, ўзбек тилшунослигида ҳам бир қатор жиддий илмий изланишларда гап, унинг бўлаклари назарияси ва таҳлилининг методологик асослари ўрганилган ва уларда қуйидаги икки муҳим йўналиш, яъни структур (формал) ҳамда субстанциал йўналиш кўзга ташланади. Биринчи йўналишга кўра, гап икки чўққили (бош бўлақлар –эга ва кесимли) ҳамда иккинчи даражали бўлақлардан иборат қурилма ҳисобланса, иккинчи йўналишга кўра, гап бир чўққили (кесимли) қурилма бўлиб, қолган қисмлар унинг кенгайтирувчиларидир. Бунда кесим гапнинг маркази ҳисобланади, изофали ҳолатларда у бир бутун гапнинг ўзи эканлиги таъкидланади. Бундан келиб чиқадики, гапда, анъанавий ёндашувга кўра мутлақ ҳоким бўлақ эга эмас, балки кесим эканлигига асосий эътибор қаратилади. Кейинги йиллари тилшуносликда гап ва кесим талқинида номиноцентрик (яъни эгага кесим тобелигини ёқловчи) тамойилга асосланган бир йўналишга қарама-қарши бўлган иккинчи йўналиш ҳам пайдо бўлди. Унда тил ҳодисаларига, шу жумладан, гапларга уларнинг шаклига қараб эмас, балки когнитив моҳиятидан келиб чикувчи субстанциал тилшуносликнинг вербоцентрик (яъни кесимга эга тобелигини ёқловчи) тамойили асосида ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбек формал тилшунослигининг ўтмишига (яъни 1958-2007 йиллардаги даврига) танқидий назар солинса, ўзбек тилининг қурилиши, шу жумладан, унда гап ва кесим таркиби талқинини бериш бевосита рус формал тилшунослиги таҳлил принциплари асосида рус туркийшунослари А.К. Боровков, Н.К. Дмитриев, А.Н. Кононов, Е.Д. Поливанов, В.В. Решетов каби олимлар томонидан ўтган асрнинг 30-40-йилларида бошланганини кузатиш мумкин. Ғ.Юнусов, А.Ғуломов, У.Турсунов, Ф.Камолов, С.Иброҳимов, Ф.Абдуллаев, Ш.Шоабдурахмонов, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова, С.Усмонов, И.Расулов, А.Рустамов каби ўзбек туркийшунослари бу йўлни давом эттирганликлари, жуда кўп илмий ишлар, юзлаб соҳалар учун ўқув адабиётлари ўзбек формал тилшунослик тамойиллари асосида яратилганлиги, улар оммалаштирилиб, ўқув муассасаларида қўлланилиб келинганлиги маълум. Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур принцип ўзбек тили гап қурилиши талқинида гап ва кесимнинг ўрни ҳамда ролини белгилашга қатъий методологик омил сифатида қараган ва унга амал қилган. Пировард натижада, формал йўналиш гап қурилиши моҳиятини белгилашда оддий мантиқ тамойилларига асосланган, шу боис ҳам гапда мутлақ

ҳоким сифатида фикр (ҳукм) предмети (эга) олинган ва кесим ҳукм ҳақида ахборот берувчи қисм сифатида эгага тобе бўлак мақомида талқин этилган. Бошқача айтганда, формал тилшунослик тамойилларига асосланган гап талқинида кесим моҳиятан грамматик асосда эмас, балки информатив-мантикий асосда таърифлангани, шу боис, гап моҳияти, содда гапнинг тузилишига кўра турлари, қўшма гап табиати ва турлари ҳам бу йўналишда эга асосида белгилангани, кесимга деярли эътибор берилмагани танқид қилинади.

Формал тилшуносликдан фарқли ўлароқ, кейинги йиллари ўзбек субстанциал тилшунослигида гапнинг таърифи, кесимнинг грамматик марказ сифатидаги мақоми, бошқа гап бўлакларининг эса кенгайтирувчилик мавқеи, қўшма ва содда гапларни фарқлашда грамматик марказ тушунчасига таяниш каби қатъий принципларнинг ишлаб чиқилганлиги ва улар ўзбек тили синтактик қурилишини янгича илмий талқин қилишда, унинг соф туркона табиатини очишда фалсафий методологик асос вазифасини ўтаб келаётганлиги эътироф этилади.

Гапга ва кесимга бундай ёндашишларни формал тилшунослик вакиллариининг бир қанчаси (масалан, инглиз олимларидан Ф.Аккерман, Л.Стассен, Сен-Мюллер, С.Ротштейн; рус олимларидан Е.Н. Зверова, И.Г. Эбер, В.Л. Каушанская, Л.Л. Иофик, В.Д. Аракин, Б.А. Ильиш, Л.С. Бархударов, Н.А. Кобрина, Е.А. Корнеева, шунингдек, И.П. Иванова ва Г.Г. Почепцов) томонидан яратилган, инглиз тилида гап ва кесим мақоми, шунингдек кесимнинг гапдаги асосий вазифалари талқинига бағишланган илмий ишлар, рисоалар ва дарсликлардаги таҳлиллар асосида гапга ва кесимга берилган таъриф ва таснифлар деярли бир хил эканлиги аниқланган. Кўрсатиб ўтилган манбаларда кесим эгага ўхшаб гапнинг бош бўлакларидан бири эканлиги, унинг моҳияти эга билан бўлган муносабатда кўрилиши таъкидланган, шу йўсиндаги таҳлиллар формал тилшунослик тамойилларига асосланганлиги очиб берилган. Жумладан, тадқиқотчилар Р.Абдуллаева ва Ш.Ашуровнинг гап ва кесим мақомига бағишланган махсус илмий изланишларида ҳам таҳлиллар формал тилшунослик тамойилларига асосланганлиги кўзга ташланади [Абдуллаева Р., 1999; 17; Ашуров Ш., 2007; 23].

Тадқиқотчи олимлар субстанциал тилшунослик тамойилларига асосланиб, инглиз тилидаги гап кесимида аксарият ҳолларда шахс-сон шакллариининг *ноаниқлиги* (яъни *омонимлиги*) мавжуд эканлигини таъкидлаб, бундай ҳолатни улар гап таркибида ҳар доим эганинг структурал-семантик жиҳатдан қатъий ифодаланишини келтириб чиқарувчи муҳим омил сифатида талқин қилганлар. Гап кесимига айнан шу нуқтаи назардан ёндашган соҳанинг айрим мутахассислари инглиз тилида эга гапни шакллантирувчи мутлақ ҳоким бўлак эмас, балки кесимдаги шахс-сон маъносини режалаштирувчи, мустаҳкамловчи, облигатор кенгайтирувчи сифатида баҳоланиши лозим деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрига кўра, субстанциал таҳлилга мувофиқ, ҳар қандай ҳолатда эга кесимдаги атов бирлиги, яъни кесим вазифасида келган лексема ёки иборанинг луғавий маъносига эмас, балки ундаги кесимлик шакли ва маъносининг ноаниқлиги,

мавҳум ва омонимлиги билан характерланадиган шахс-сон шаклларига узвий боғланиши қатъий синтактик қонуниятдир.

Синтактик изланишларда соҳа мутахассислари яна бир муҳим масала – гапда, айниқса, қўшма гапларда мустақил ва номустақил кесим шакллари мавжудлигини таъкидлаганлар [Сайфуллаева Р.Р., 1994; 248]. Кесимнинг бундай шакллари ўзбек тилида нисбатан кўп, инглиз тилида эса камроқ учрайди, бунинг сабаби, уларнинг фикрича, “ўзбек тилида кесимлик махсус морфологик категория сифатида олиб қаралиши, инглиз тилида кесимлик махсус морфологик категория воситасида эмас, балки турли сатҳлар бирликларининг мажмуидан ташкил топган “кесимлик функционал-семантик майдони” воситасида ифодаланишидир [Болибекова М.М., 2019; 92-119]. Бу ўринда кесимнинг турлари ҳақида гап борганда, тиллар типига асосланиб, таҳлил олиб бориш муҳим аҳамиятга эга, чунки инглиз тили аналитик қурилишга эга, ўзбек тили эса кўпроқ агглютинатив қурилишга эга, ваҳоланки, агглютинатив тилларда изофа ҳодисаси жуда ривожланган, шу омил тилда тежаш тамойилига кўра, гапнинг маълум қисмлари, бўлақларини факультатив мақомга солиб қўяди.

Ўзбек ва инглиз тилларида гапнинг лингвистик таҳлили, шу жумладан, кесим ва унинг таркиби ҳақида гап борганда, мазкур тиллардаги кесим ва унинг кенгайтирувчиларини, қўшма гапларда номустақил кесим шакллари, ўзбек тилидаги омонимик номустақил кесим шаклларининг инглиз тилида берилиши, ўзбек ва инглиз тилларида гап ва кесимнинг изоморф ҳамда алломорф жиҳатларини қиёсий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга масалалардан.

Шу ўринда айрим субстанциал тилшунослик вакиллари синтактик қурилмани морфологик асосда, гап қурилиши белгиларини таъминлайдиган морфологик шакллар, морфологик категориялар асосида баҳолаш субстанциал ёндашувнинг ўзак тамойилларидан бири эканлигидан келиб чиқиб, гапни морфологик асосда таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар, чунки, уларнинг фикрича, гап маркази бўлган кесимнинг вазифасини ифодаловчи воситалар, яъни морфологик категорияларни ўз ичига олган бутунлик – кесимлик категорияси бўлиб, айнан мана шу кесимлик шакллари ва маъноларисиз, шунингдек, кесимлик позициясисиз, гап ўз мақомига эга бўлиши мумкин эмас деган хулосага келганлар.

Мазкур фикрни исботлаш мақсадида субстанциал тилшунослик тадқиқотчилари айрим тилларда кўпинча эга ифодаланмаса (масалан, туркий тилларда), яъни изофа ҳодисаси мавжудлиги боис унинг ифодаланишига зарурат бўлмаса, изофасиз бошқа тилларда эганинг ифодаланишига эҳтиёж сезиларли даражада катта ва у шахс-сонни мутлақ ифодалаш учун эмас, балки кесимдаги маълум даражада ноаниқ шахс-сонни “конкретлаштириш, уни мустаҳкамлаш воситаси” мақомида намоён бўлишига жиддий эътибор қаратилиши лозимлигини таъкидлаганлар, шунингдек, турли қурилишли тиллар кесимлик маъносини мустаҳкамлаш учун мустаҳкамловчиларнинг икки турини, яъни (облигатор) зарурий мустаҳкамловчи эга (“У келди” каби ҳолатларда) ва факультатив мустаҳкамловчи эга (“Келди” каби ҳолатларда) асосида қатъий

фарқланишини тавсия этганлар.

Шундай қилиб, субстанциал тилшунослик тамойилларига амал қилган ҳолда гап бўлақларини таҳлил қилган мазкур тилшунослик вакиллари кесимни гапнинг маркази деб, эгани эса унинг кенгайтирувчиси, анъанавий ёки формал тилшуносликда “иккинчи даражали бўлақлар” деб аталувчи гапнинг қисмларини эса эга билан кесим таркибига кирувчи, уларни ташкил қилувчи, яъни кенгайтирувчилар деб қаралишини ёқлаб чиққанлар [Нигматов Ҳ.Г., 1984; 4].

Кейинги ўн йилликларда амалга оширилган синтаксис соҳасидаги изланишларда ўзбек субстанциал тилшунослигининг вакиллари [Сайфуллаева Р., 1994; 247; Юлдошева Н., 2009; 160; Раупова Л., 1999; 44.] кабиларнинг илмий изланишларига таянган ҳолда бир гуруҳ тадқиқотчилар гапнинг таърифини беришга ҳаракат қилиб, турк тилларидаги, шу жумладан, ўзбек тилидаги “энг кичик гапни – морфологик шаклланган атов бирлигидир” деб қарайдилар ва “Ёздим. Талабаман.”каби мисоллар билан далиллаган ҳолда унинг [WPm] қолипни ҳам тавсия этадилар, ундаги ёз- ва талаба- қисмлари атов бирлиги, яъни W бўлса, -дим ва –ман формантлари морфологик шакллар, яъни қолипнинг [Pm] қисми эканлигини атрофлича изоҳлайдилар, инглиз тилида эса эганинг мутлақ облигаторлиги юқорида келтирилган қолипни бирмунча кенгайтирилган, яъни [E-WPm] шаклида берилишини тавсия қиладилар [Сайфуллаева Р., 1993; 31; 1994; 248]. Бундай ҳолатда, уларнинг фикрига кўра, субстанциал ёндашув асосида кесимнинг қуйидаги морфологик-синтактик жиҳатлари эътиборга моликдир:

- 1) эганинг облигаторлиги ва эксплицитлиги;
- 2) кесимлик шаклидаги шахс-сон маъносининг ноаниқлиги ва мавҳумлиги;
- 3) эганинг шахс-сон маъносини конкретлаштириши;
- 4) эганинг гап кенгайтирувчиси эканлиги;
- 5) лисоний ва нуткий структура учун эганинг бирдек аҳамиятлилиги.

Қиёсланаётган инглиз ва ўзбек тилларининг гап таркиби ва кесимнинг ўзига хос жиҳатларини алоҳида таъкидлаган тадқиқотчи М.Болибекова инглиз тилида шахс-сон маъносини ифодалаш учун ўзбек тилидан фарқли равишда эга қўлланиши шартлигини қайд этади ва ўзбек тилида эга таъкидланганда, ёхуд кесимлик шакллари нол кўринишда бўлган от-кесимли гапларда эга кесимдаги шахс актантини реаллаштирувчи восита сифатида намоён бўлишига эътибор қаратади. Шу асосда тадқиқотчи семантик-функционал шаклланган “сўз-гаплар” тиллараро универсал қонуниятларни ўзида кўпроқ акс эттирганлиги билан характерланади, деган муҳим хулосага келади [Болибекова М.М., 2019; 92-119]. Инглиз тилидаги кесим кенгайтирувчиларининг субстанциал талқинини ёритиб, инглиз тилидаги гап кесимларининг структур қолипни [WPm] шаклида белгиллаган ҳолда, анъанага кўра, гап таркибидаги кенгайтирувчиларнинг қуйидаги икки турини ажратади:

- 1) гап марказини ташкил этувчи сўздаги кесимлик категорияси шаклларига боғланувчи сўз;
- 2) гапда иштирок этаётган муайян сўзнинг маъновий валентлигини тўлди-

раётган сўз.

Субстанциал тилшунослик вакиллари ва уларнинг издошлари эса буларнинг биринчисини – гап кенгайтирувчиси, иккинчисини – сўз кенгайтирувчиси деб талқин қиладилар. Бунда гап кенгайтирувчилари унинг кесимидаги кесимлик шакллари маъноларини конкретлаштиришини ва мустаҳкамловчи вазифасида келишини алоҳида таъкидлайдилар [Нурмонов А., 1988; 22; 2012; 217].

Бизнингча, гапнинг маъноси ва унинг таркиби ҳақида сўз юритиш учун, аввало, унинг грамматик таърифини бериш мақсадга мувофиқ. Бу маънода таниқли рус англизшунос олими Л.С. Бархударовнинг гапга берган таърифи эътиборга молик. Унинг фикрича, “Гап (sentence) шундай эга-кесим структурасига эга бўлган тил бирлигики, айнан шу (эга –кесим) структураси мазкур тил бирлигига кичик бир жумла бўлиб ишлатила олиш имкониятини беради” [Бархударов Л.С., 1966; 141]. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳар қандай одатий содда гап эга ва кесим структурасидан иборат бўлиб, бундай структура гапнинг минимум таркибини воқелантиради, қолаверса, эга ва кесимнинг ҳар бири ўзига гуруҳ ташкил этиши ҳам мумкин. Масалан: *Мой сын читает книги на английском языке*. Бу ўринда *Мой сын* эга гуруҳини, *читает книги на английском языке* кесим гуруҳини ташкил этган. Кўриниб турибдики, гапга бундай ёндашув унинг икки чўққили (эга ва кесимли) таркибидан далолат бериб турибди. Унда эга мутлақ ҳоким бўлак сифатида кесимни ва у орқали бошқа бўлакларни ҳам ўзига доимо (тегишли шаклда) тобелаштиради, шу боис тилшуносликда гапга бундай ёндашиш номиноцентриқ ёки субъектоцентриқ ёндашув деб аталади.

Тилшуносликда гапга француз олими Л.Теньер таълимотига асосланган “вербоцентриқ ёндашув” [Теньер Л., 1988; 54] ҳам мавжуд бўлиб, унда кесим гапнинг мутлақ ҳоким бўлаги ҳисобланиб, бошқа бўлаклар унга тобелашади. Ушбу таълимотнинг ўзбек тилшунослигидаги талқинини профессор А.Нурмоновнинг қуйидаги фикрларида ҳам кўрамиз: “Гапнинг энг муҳим белгиси предикативлик экан, ана шу маънони ифодаловчи энг кичик бирлик гап саналади. Кесим предикатив маъно ва предикатив шаклга эга энг кичик бирлик сифатида гапнинг бўлаги эмас, балки гапнинг ўзидир. Кесимнинг гап бўлаги эмас, балки энг кичик гап эканлиги қуйидаги асослар билан белгиланади:

- *биринчидан*, гап бўлаги тобе муносабатда бўлган икки синтактик бирликнинг тобе вазиятда турган қисмига нисбатан белгиланган. Бирикма доирасида тобе қисмнинг синтактик функцияси доимо аниқ, ҳоким қисмники эса ноаниқ, унинг синтактик функцияси синтагматик занжирнинг кейинги ҳалқасида бошқа узвга тобе вазиятда бўлганда аниқ бўлади. Бу нуқтаи назардан, кесим синтагматик муносабатда тобе позиция орқали белгиланмайди, чунки у ҳеч қачон тобе позицияда турмайди. Кесим бошқаларга нисбатланмаган ҳолда предикатив шаклни олган синтактик бирлик сифатида аниқ белгиланади;

- *иккинчидан*, гап ва унинг бўлаги тушунчасидан келиб чиқилса, биринчиси бутунни, иккинчиси эса унинг қисмини билдиради. Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашилса, эга, тўлдирувчи, ҳол сингари синтактик бирликлар энг кичик

гапнинг кенгайтирувчилари сифатида унинг қисмлари саналади. Кесим эса бу бўлақлар билан кенгайиш имкониятига эга бўлган энг кичик гапдир. Демак, гап бўлаги деганда кесим билан грамматик-семантик жиҳатдан тобе боғланиб, уни ёйик тусга киритувчи, бўш ўринларини тўлдириб, конкретлаштирувчи синтактик бирликлар тушунилади. Эга, тўлдирувчи, ҳоллар ана шундай хусусиятга эга синтактик бирликлар сифатида гап бўлақлари саналади” [Нурмонов А., 2012; 217]. “....Аниқловчи кесимга (энг кичик гапга) эмас, балки унинг бўлагига тобе бўлади” [Нурмонов А., 2012; 218].

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, кесим гап бўлаги мақомидан чиқарилган, у “энг кичик гап” мақомини олган, шу боис эга, тўлдирувчи, ҳол сингари синтактик бирликлар энг кичик гапнинг кенгайтирувчиларидан бошқа нарсаси эмас.

Бизнингча, гап бўлақларини уларнинг гап таркибини кенгайтира олиши, яъни уларга бошқа бўлақларнинг тобелашуш имкониятлари ва даражаси билан белгиланишига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, гап таркибида бир бўлақнинг иккинчи бир бўлаққа тобелашушидан келиб чиқиб, уларнинг мақомини белгилаш мантиқан тўғри бўлади. Бу маънода қуйидаги бир гапни бўлақларга ажратайлик:

“Сиз кўриб турганингиздек, мен доимо қизиқарли эртакларни жуда ёқтираман”. Ушбу гапдаги мавжуд бўлақларнинг бир-бирига тобелик даражасини тўғри аниқлаш – гап структурасини мазмунан ва мантиқан етарли кенгайтириш учун уларнинг бир-бирларига қанчалик муҳтож, тобе эканлигини аниқлаш, демакдир. Бизнингча, улар қуйидаги тартибда бир-бирига тобелашган:

1) эга (*мен*) ҳеч қандай бўлаққа тобе эмас (демак, у мутлақ эркин, ҳоким бўлақ, унда бундан ўзга мақом бўлиши мумкин эмас, яъни унга кесим ва кесим орқали қолган барча бўлақлар ҳам тобе);

2) кесим (*ёқтираман*) эгага мутлақ тобе (чунки унинг эга талаб қилган шахс ва сонда турмай иложи йўқ, тилларда бунинг акси бўлиши мумкин эмас);

3) тўлдирувчи (*эртакларни*) ҳар қандай ўтимли феъл кесим ёки феълга тобе (чунки у кесим ёки феълнинг семантикасини тўлдиришга хизмат қилади, тилларда бунинг акси бўлиши мумкин эмас);

4) ҳоллар (*доимо*) ҳам тўғридан-тўғри кесимга (ёки феълли бўлаққа, ёки сифат билан ифодаланган аниқловчига, ёки равиш билан ифодаланган бошқа ҳолга) тобе (чунки улар кесимда ифодаланган иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг (ёки аниқловчи ёки бошқа равиш орқали ифодаланган ҳолдаги сифат, даража ёки ҳолатнинг) қаерда, нега, нима мақсадда, қандай шартга кўра, қачон ва қандай тарзда воқелантирилганини ифодалашга хизмат қилади, тилларда бунинг акси бўлиши мумкин эмас);

5) аниқловчи (*қизиқарли*) эса ҳар қандай отлашган сўз туркуми билан ифодаланган гап бўлагига тобе (у уни аниқлаб беришга хизмат қилади, тилларда бунинг акси бўлиши мумкин эмас). Изоҳловчи ҳам аниқловчининг бир тури сифатида у билан бир хил грамматик мақомга эга бўлиб, у ҳам отлашган сўз туркуми билан ифодаланган гап бўлагига тобе (чунки у уни изоҳлаб беришга

хизмат қилади, тилларда бунинг акси бўлиши мумкин эмас);

б) гапдаги кириш бўлак эса (у юқоридаги мисолда кириш гап оркали ифодаланган: **Сиз кўриб турганингиздек**) бизнингча, унинг бирор бўлагига эмас, балки бутун гапга тобе, яъни у бутун гапнинг семантикасига қўшимча ниманидир ифодалаш учун хизмат қиляпти, [Маскопов В., 1970; 6; Сайфуллаев А., 1972; 23; 2000; 62; Махмудов Н., Нурмонов А., 1995; 98; 2011; 75; Махмудов Н., 1955; 166; Ўринбоев Б., 2001; 112; Mengliyev B., 2011; 209; Бозоров О., 2013; 106; Жамолитдинова Д., 2016; 48; Хошимов Г., Хошимов М., 2019; 73].

Шу боис, тилда кириш гап билан ифодаланган бўлакни асосий гапнинг таркибида уч хил (препозиция, интерпозиция, постпозиция) ўриндан бирида жойлашиши мумкинлиги ҳам фикримиз исботидир [Усмонова Х., 2009; 29].

Шундай қилиб, гап таркибида 1) **эга** (бош, **биринчи** даражали бўлак); 2) **кесим** (иккинчи даражали бўлак, чунки у фақат эгага тобе); 3) **тўлдирувчи** (**учинчи** даражали бўлак, чунки у фақат кесимга тобе); 4) **ҳол/лар/** (**тўртинчи** даражали бўлак, чунки у ҳам фақат кесимга тобе); 5) **аниқловчи-изоҳловчилар** (**бешинчи** даражали бўлаклар, чунки улар отлашган бўлакларнинг барчасига тобе) ва 6) **кириш бўлаклар** (**олтинчи** даражали бўлаклар, чунки улар бутун гапга тобе) бўлақонли гап бўлаги мақомига эга бўлган синтактик категориялардир.

Кўриниб турибдики, анъанавий формал тилшуносликда гапдаги эга ва кесимга бир вақтнинг ўзида бир хил мақом берилиб, уларни бош бўлаклар деб талқин қилиниши мантикқа тўғри келмайди, чунки, биринчидан, мантиқан олганда бош бўлак иккита бўлмайди, бунинг устига ҳар қандай бош бўлак мутлақлик мақомига даъвогар. Агар эга ва кесим бош бўлаклар ҳисобланса, мутлақлик мақоми қайсинисига хос деган саволга жавоб топиш қийин. Шу боис, бош бўлакни мутлақ ҳокимлик мақомига эга бўлганлиги учун ҳеч қандай бошқа бўлакка тобе бўмайдиган бўлак эканлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги гап бўлакларнинг ўзаро тобелик даражасидан келиб чиқсак, эга кесимни ўзига тобелаштиради (бунинг исботи кесимдаги шахс ва сонни ифодаловчи изофаи шаклларида яққол кўринади) дейиш мумкин (қиёсланг: Мен.... ёқтираман). Айни ҳолатда эганинг кесимни маълум шаклда келишга мажбур этаётганига гувоҳ бўламиз, лекин унинг акси эмас. Бунинг устига изофасиз кесимларда (масалан, “Дори керак.; Доктор зарур.; Ҳаёт муҳим.; Пул бор.; Вақт йўқ.; Ялинишинг бор.; Бориш шарт.; Ютқизиши эҳтимол” ва бошқалар) “керак , зарур, муҳим, бор, шарт, эҳтимол” каби қисмлар биргина ўзлари кесимликни воқелантира олмайдилар ва шу боис улар “энг кичик гап” вазифасини бажара олмайдилар, аксинча улар эга вазифасидаги “Дори; Доктор; Ҳаёт; Пул; Вақт; Ялинишинг; Бориш; Ютқизиши” каби бўлаклар билан бирга келгандагина “энг кичик гап” мақомига эга бўла оладилар.

Демак, “энг кичик гап” (ваҳоланки, уни “кесим гап” деб айтиш ҳам мумкин) қолипи таркибида изофаи шакллар бўлган кесимларгагина тегишли десак, хато бўлмайди. Қолган ҳолатларнинг барчасида тилларда предикативлик катъий эга-кесим структураси орқали воқелантирилиши умумлисоний синтактик-семантик

қонуниятдир.

“Ўқидим. Талабаман. Келдинг. Келди. Ёзди. Ишлади. каби “энг кичик гап” деб ном олган бир чўққили (кесимли) қурилмаларга келсак, улар, афтидан, тилнинг оғзаки стили маҳсулидан ўзга нарса эмас, чунки адабий тилда иншо ёзганда бундай қурилмаларнинг эгасиз ишлатилиши меъёрга тўғри келмаслигини билимдон услубчи танқид остига олиши табиий, лекин тилнинг оғзаки услубида муайян синтактик қуршовда бундай қурилмалар меъёр бўлиши мумкин.

Гапнинг одатий минимал қолипи ёки “энг кичик гап” ҳақида сўз кетганда, (айрим тиллардаги шахси номаълум гаплар бундан мустасно), бизнингча, ҳеч иккиланмай икки чўққили (эга–кесимли) гапни тасаввур қилиш ва тушуниш мақсадга мувофиқдир. Чунки Л.С. Бархударов таъбири билан айтганда, тилларда гап деганда, одатда, минимум қолипдаги эга ва кесимни, максимум қолипдаги эга ва кесим гуруҳларини тушуниш ўринлидир, чунки ҳар қандай одатий содда гап эга-кесим структурасидан иборат бўлиши қонуният, лекин тиллардаги оғзаки услубда уларнинг эллиптик шакллари ҳам кўришимиз мумкин. Шундай ҳолатларда ҳам уларнинг эга-кесимли структура эканликларини эллипсисга учраган қисмларни *тиклаш* орқали исботлаш мумкин.

Демак, тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам эга ўзи гапнинг таркибида борми ёки йўқми, у бевосита шахс-сонда кесимни ва кесим орқали билвосита гапнинг бошқа барча бўлақларини ўзига тобелаштиради, акс ҳолда гапда нега кесимнинг айнан у ёки бу шахс-сонда келишига мажбур бўлиши кузатилади? Бунинг устига, яна бир умумлисоний қонуният борки, унга кўра қиёсланаётган тилларда ҳамма вақт кесимнинг эгага тобелиги кузатилади. Шу пайтгача унинг акси кузатилган эмас, ваҳоланки, кесим тобелиги нейтраллашган (сусайган, мавҳумлашган, омонимлашган) гапда эганинг эксплицит қўлланилиши ҳар қандай тилдаги қатъий синтактик қонуниятдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, бизнингча “Келди” каби ҳам структурал-семантик, ҳам мазмунан ва мантиқан “қиёмига етмаган қурилма”лар олдидан эганинг облигатор келишини тақозо этувчи бир қатор омиллар борки, улар гапда кўзга яққол ташланади, чунки “Келди”шаклида бирлик ва кўplik сон шакли нейтраллашганлиги, оқибат натижада омонимлашганлиги (яъни фарқланмаслиги) эганининг эксплицит тарзда облигатор, яъни мажбурий моддийлашишини қатъий тақозо этади (қиёсланг: У келди (Олим келди.; Салима келди.) (бу ерда жинс маъносини ифодалаш зарурати эганинг облигаторлигини таъминлайди); Меҳмон келди.; Меҳмонлар келди (бу ерда шахс-сон маъносини ифодалаш зарурати эганинг облигаторлигини таъминлайди), Бола келди; Тўфон келди.; Машина келди.; Қирон келди. (Бу ўринда эса жонли, жонсиз эга маъносини ифодалаш зарурати унинг облигаторлигини таъминлайди ва бошқалар). Айниқса, кесими *бор*, *йўқ* сўзлари орқали (масалан, “Менда озгина пул бор.”; “Унда имконият йўқ” ёки “Сенинг бир панд ейишинг бор” каби) ифодаланган гапларда, шунингдек, кесими *керак*, *зарур*, *эҳтимол*, *мумкин*, *даркор*, *муҳим*, *шарт*, *лозим* каби илмий манбаларда “кесимлик сўзлари” деб аталувчи модал маъноларни ифодаловчи сўзлар ва ҳаракат номи (ёки инфинитив)

бирикмалари орқали ифодаланган гапларда эганинг эксплицит ифодаланиши катъий синтактик қонуниятдир. Шу боис гап таҳлилида эганинг облигаторлигини тақозо этувчи юқорида санаб ўтилган бир қатор когнитив семантик, структурал, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик омилларни зинҳор эътибордан қочирмаслик керак.

Шундай қилиб, типологик нуқтаи назардан олганда, “энг кичик гап” ҳақида сўз кетганда тилларда содда гапларнинг қуйидаги бешта муҳим структурал-семантик турини ажратиш мақсадга мувофиқ (Бу ўринда биз “энг кичик гап”нинг минимал таркиби билан иш қўрдик, уларнинг максимал таркиби анча кенг бўлиши табиий).

1. Бир чўққили содда гап (эгаси бўлмайдиган, фақатгина кесими эксплицит ифодаланадиган шахси номаълум гап):

бир чўққили содда йиғиқ гап, масалан, ўзбек тилида: *Борилади.; Турилади.; Ўтирилади.; Ётилади.; Қайтилади.*; рус тилида: *Думается.; Придется.; Хочется.; Работается.; Живется.* Инглиз тилида бундай гап турлари йўқ.

бир чўққили содда ёйиқ гап, масалан, ўзбек тилида: *Эрталаб борилади.; Кеч турилади.; Узоқ ўтирилади.; Уйда ётилади.; Кечкурун қайтилади.*; рус тилида: *Легко думается.; Скоро придется.; Всегда хочется.; Хорошо работается.; Весело живет.* (Бу гапларнинг эгасини тиклаб бўлмайдиган, чунки эга ноаниқ, бундай гап турлари инглиз тилига хос эмас).

2. Икки чўққили содда гап:

а) икки чўққили содда йиғиқ гап (эга ва кесими эксплицит ифодаланган гап), масалан, ўзбек тилида: *Сен ишлайсан.; Мен ишчиман.; Пул бор.; Вақт йўқ.; Нон керак.; Врач зарур ва бошқалар*, рус тилида: *Ты работаешь.; Я рабочий; Деньги есть.; Времени нет.; Нужен хлеб.; Нужен врач* ва бошқалар.

б) икки чўққили содда ёйиқ гап (эга ва кесими эксплицит ифодаланган гап), масалан, ўзбек тилида: *Сен кўп ишлайсан.; Мен бир ишчиман.; Кўп пулим бор.; Бўш Вақт йўқ.; Исик нон керак.; Ҳозир врач зарур ва бошқалар*; рус тилида: *Ты много работаешь.; Я один рабочий.; Нужные деньги есть.; Лишнего времени нет.; Нужен свой хлеб.; Нужен хороший врач* ва бошқалар.

3. Икки чўққили (эгаси имплицит ифодаланган, кесими эса изофали шакллар орқали ифодаланган, оғзаки услубга хос бўлган) содда гап:

а) икки чўққили (эгаси имплицит ифодаланган, кесими эса изофали шакллар орқали ифодаланган, оғзаки стилга хос бўлган) содда йиғиқ гап, масалан, ўзбек тилида: *Ишчиман.; Ишлаймиз.*; рус тилида: *Рабочий(я).; Работаем.*

б) икки чўққили (эгаси имплицит ифодаланган, кесими эса изофали шакллар орқали ифодаланган, оғзаки услубга хос бўлган) содда ёйиқ гап, масалан, ўзбек тилида: *Оддий ишчиман.; Кўп ишлаймиз.*; рус тилида: *Простой(ая) рабочий(я).; Долго работаем.*

4. Эгаси имплицит ифодаланган икки чўққили буйруқ гап:

а) эгаси имплицит ифодаланган икки чўққили буйруқ йиғиқ гап, масалан, ўзбек тилида: *Кел! Ол!* ва бошқалар; рус тилида: *Иди (сюда)!, Бери!* ва бошқалар. (Ушбу гапларда эгани тиклаш ва ўрнига қўйиш мумкин).

б) эгаси эксплицит ифодаланган икки чўққили буйруқ йиғиқ гап, масалан, ўзбек тилида: *Сен кел! Ол!* ва бошқалар; рус тилида: *Иди (сюда)!, Бери!* ва ҳ.к.

в) эгаси эксплицит ифодаланган икки чўққили буйруқ ёйиқ гап, масалан, ўзбек тилида: *Сен тез кел! Сен секин ол!* ва бошқалар; рус тилида: *Ты быстро иди (сюда)!, Ты сейчас бери!* ва бошқалар.

5. Эгаси эксплицит ифодаланган икки чўққили содда ундов гап:

а) эгаси эксплицит ифодаланган икки чўққили содда йиғиқ ундов гап: *Яшасин ёшлар! Даздравствуует молодежь!*

б) эгаси имплицит ифодаланган икки чўққили содда йиғиқ ундов гап: *Яшасин! Яшаворсин!*

Юқорида асосан содда гап таркиби ҳақида сўз юритдик, лекин айтилган фикр-мулоҳазаларнинг барчаси ўз ўринида ва керакли синтактик қуршовда қўшма гапларга ҳам тааллуқлидир. Келтирилган содда гаплар таснифи бевосита қўшма гаплар таснифига ҳам пухта асос бўла олади, чунки қўшма гапларда энг кичик гап (ёки унинг кенгайтирилган турига) тенг камида иккита гап (клоуз)нинг синдетик ва асиндетик ёки аралаш тарзда қўшилувининг бўлиш ва уларнинг ҳар бирида грамматик эга ва шахсли феъл билан ифодаланган кесимнинг бўлиши ҳам барча тилларга хос қатъий умумлисоний қонуниятдир. Бу ерда таҳлил олиб борилаётган сатҳнинг тил бирлиги тилдаги мавжуд функционал услубларнинг қайси бирига мансублигидан келиб чиқиб, тегишли хулосаларга келиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, айрим услубий омилларга, сабабларга кўра, эгаси тушириб қолдириладиган (масалан, ингл.: *“As is clear; this man is seriously ill”*; ўзб.: *“Бу одам, тушунарли, жиддий касал”*; рус.: *“Этот человек, понятно, серьёзно болен”* каби кириш гапли қўшма гапларда [Ҳошимов М., 2006; 229-232] уларнинг кўпроқ оғзаки услубга хослигини кўриш мумкин, лекин бундай қўшма гап турлари тилнинг адабий ва бошқа услубларида ҳам, кам бўлса-да, учрайди [Неъматов Ҳ., 2011; 14; Жамолиддинова Д., 2011; 56].

Агар гап актуал-коммуникатив бўлиниш нуқтаи назаридан олиб қаралса, гапдаги синтактик вазифа бажарувчи барча бўлакларнинг ҳар бири коммуникатив муҳимлиги туфайли облигатор тарзида моддийлаштирилиш имкониятига эга, шундай ҳолатларда гапнинг қолган бўлаклари коммуникатив нуқтаи назардан актуал бўлмаганликлари сабабли факультатив мақомга эга бўлиб қолиши умумлисоний қонуниятдир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, “энг кичик гаплар” ва уларнинг қўшма гапларга бирикуви аксарият ҳолларда тилларни қиёсий аснода ўрганиш ва ўқитиш, шунингдек, таржима жараёнларида муайян лингводидактик ва транслатологик қийинчиликларни келтириб чиқариши кузатилади, чунки ушбу гапларда учрайдиган эга эллипсиси ҳодисаси кесимнинг формал жиҳатдан нейтраллашувининг (аросатлашувининг), бу жараён билан билан узвий боғлиқ бўлган “омонимия” [Бердиалиев А., 1990; 100-103], ҳатто “энантиосемия” [Одилов Ё., 2016; 102] ва “синкреомонимия” каби жараёнларнинг келиб

чиқишига ҳам сабаб бўлади, натижада бир кесим шаклининг ўзидан унинг шахс-сон, бирлик ва кўplik, жонлилик ва жонсизлик, ҳурмат-эҳтиром, ҳамда гендер семантикаларини англаб олиш ўрганувчилар учун бир қадар қийинчилик туғдиради, ваҳоланки, айрим ҳолатларда ушбу “энг кичик гап”нинг синтактик қуршови (контексти) нейтраллашуви натижасида у ёки бу семантика хиралашади, ёки биратўла барҳам топиб кетади. Бундай ҳолат таржимада ифодаланиши кўзда тутилган адресантнинг коммуникатив интенциясини – муддаосини акс эттирилмай қолишига сабаб бўлиши, пировардида, бундай “омил” таржиманинг аслиятга адекватлик даражасига ҳам путур етказиши мумкин. Қандай бўлмасин, “энг кичик гаплар”да, яъни кесимда яширинган семантикаларнинг заруриятга кўра, таржимада акс этишида эганинг эксплицит вербаллашуви ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир, акс ҳолда таржима хом-хатала ва чала чиқиши мумкин. Бундан кам бўлмаган муаммо ва қийинчиликлар шундай “энг кичик гаплар”ни ўрганиш ва ўргатиш жараёнларида ҳам кузатилади. Юқоридаги муаммоларни ижобий бартараф қилиш тажрибали, моҳир таржимон ва методист ўқитувчиларнинг вазифаси ва бурчидир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abdullayeva, R.M. (1999). *Lingvosemioticheskaya priroda podlegashogo i skazuemogo v russkom i uzbekskom yazykax. Avtorsf. diss. kand. filol. nauk.* Tashkent.
2. Ashurov, Sh. (2007). *Ingliz va uzbek tillarida kesim tipologiyasi. Fil. fan. nom. dis. avtoref.* Toshkent.
3. Barxudarov, L.S. (1966). *Struktura prostogo predlozheniya sovremennogo angliyskogo yazyka* (141 s.). Moskva.
4. Berdialiye, A. (1990). *O'zbek tilida omonim modeli ergash gapli qo'shma gaplar* (113 b.). Toshkent: Fan.
5. Bolibekova, M.M. (2019). *Kesim va gapning o'zbek va ingliz tillaridagi lingvistik talkini.* Filol. fan. fal. dok. dis. (146 s.). Toshkent..
6. Jamoliddinova, D.M. (2011). *Badiiy nutqda parentez birliklarning semantic-grammatik va lingvopoetik hususiyatlari* (93 s.). Toshkent: Fan.
7. Mahmudov, N., Nurmonov, A. (1995). *O'zbek tilining nazariy grammatikasi (sintaksis)* (146 b.). Toshkent: O'qituvchi.
8. Maskopov, V. (1970). *O'zbek tilidagi ilova konstruksiyalar haqida. O'zbek tili va adabiyoti*, 6.
9. Maxmudov, N. (1995). *Ergash gaplarning tasnifi. O'zbek tilining nazariy grammatikasi* (106-220-b.). Toshkent: O'qituvchi.
10. Mengliyev, B. (2011). *Gapning kirish va kiritma kengaytiruvchilari. Zamonaviy o'zbek tili, sintaksis* (208 b.). Toshkent: Mumtoz so'z.
11. Mengliyev, B.R. (2018). *Hozirgi o'zbek tili* (200 b.). Toshkent: Tafakkur bo'stoni.
12. Meshaninov, I.I. (1978). *Chleny predlozheniya i chasti rechi* (322 s.). Moskva: Izdatelstvo AN.
13. Muxin, A.M. (1968). *Struktura predlozheniy i ix modeli* (230 s.). Leningrad: Nauka.
14. Muxin, A.M. (1999). *Funksionalnyy sintaksis* (184 s.). Sankt Petersburg: Nauka.
15. Ne'matov, H.G'. (2011). *Sintaksisning tadqiq manbai va predmeti. Zamonaviy o'zbek tili*, 46. Toshkent: Mumtoz so'z.
16. Nigmatov, X.G., Abdullayev, K.M. (1984). *Struktura predlozheniya i aktualnye voprosy sintaksisa tyurkskix yazykov. Sovetskaya tyurkologiya*, 5.
17. Nurmanov, A., Maxmudov, N., Axmedov, A., Solixo'jayev, S. (1992). *O'zbek tilining*

- mazmuniy sintaksisi* (294 b.). Toshkent: Fan.
18. Nurmonov A. (1988). Tilni sistemali o'rganish va sintaksisning ayrim munozaraly masalalari. *O'zbek tili va adabiyoti*, 5, 22-26. Toshkent.
 19. Nurmonov A. (2011). Ergash gapli qo'shma gaplarning yangicha talqini. *Ilmiy xabarnoma*, 2, 75-78. Andijon.
 20. Nurmonov, A. (2012). *Gap va uning bo'laklari haqida mulohazalar*. Toshkent: Akademya nashr.
 21. Odilov, Y.R. (2016). O'zbek tilida enantiosemiya. *Fil. fan. dok. dis. avtoref.* (102 s.). Toshkent.
 22. Raupova, L.R. (2009). *O'zbek tilida nomustaqil kesim masalasi va ko'rilishli gaplar*. *Fil. fan. nom. dis. avtoref.* (26 b.). Toshkent.
 23. Sayfullayev, A.R. (1972). *Hozirgi o'zbek adabiy tilida kirish bo'lak* (84 b.). Toshkent: Fan.
 24. Sayfullayev, A.R. (2000). *Hozirgi o'zbek tilida gap bo'laklarining semantikasi va grammatikasi* (127 b.). Toshkent: Fan.
 25. Sayfullayev, A.R. (2000). *Semantics and grammar of parts of speech in modern Uzbek* (p. 127). Tashkent: Science.
 26. Sayfullayeva, R., Mengliyev, B. (2009). *Hozirgi o'zbek adabiy tili*. Toshkent: Fan va texnologiya.
 27. Sayfullayeva, R.R. (1993). Hozirgi o'zbek adabiy tilida qo'shma gaplarning shakl – vazifaviy (formal-funksional) talqini. *Fil. fan. dok. dis. avtoref.* (46 b.). Toshkent.
 28. Sayfullayeva, R.R. (1994). *Hozirga o'zbek adabiy tilida qo'shma gaplarning formal-funksional talqini*. Monografiya. Toshkent: Fan.
 29. Tenyer, L. (1988). *Osnovy strukturnogo sintaksisa* (654 s.). Moskva: Progress.
 30. Usmonova, H. (2009). O'zbek tilidagi gap bo'laklarining pozitsion strukturasi. *Fil. fan. dok. dis. avtoref.* (41 s.). Toshkent.
 31. Xoshimov, M.G. (2006). Slojnovvodnoye predlozheniye i yego kommunikativno-pragmatischeskiye tipy v raznosistemnyx (angliyskom, russkom i uzbekskom) yazykax. *Voprosy filologicheskix nauk*, 6(23), 69-73. Moskva.
 32. Xoshimov, M.G. (2006). Strukturno-semanticheskiye tipy slojnovvodnogo predlozheniya v raznosistemnyx yazykax. *Voprosy gumanitarnyx nauk*, 6(27), 229-232. Moskva.
 33. Yuldosheva, N.E. (2009). Yig'iq gapning formal-funksional talqini. *Fil. fan. nom. dis.* (27-b.). Toshkent.
 34. O'rinboev, B. (2001). *Hozirgi o'zbek tili* (168 b.). Samarqand: Nashr-matbaa markazi.

REFERENCES

1. Abdullaeva, R.M. (1999). The linguosemiotic nature of the subject and predicate in the Russian and Uzbek languages. *Abs. dis. cand. phil. sci.* Tashkent.
2. Adilov, Y.R. (2016). Enantiosemya in the Uzbek language. *Abs. doc. dis. phil. sci.* (102 p.). Tashkent.
3. Ashurov, Sh. (2007). Typology of cuts in English and Uzbek. *Dis. can. phil. sci.* Tashkent.
4. Barkhudarov, L.S. (1966). *The structure of a simple sentence in modern English* (141 p.). Moscow.
5. Berdialiyev, A. (1990). *Complex sentences of homonymic model in the Uzbek language* (p. 113). Tashkent: Science.
6. Bolibekova, M.M. (2019). Linguistic interpretation of predicate and sentence in Uzbek and English. *Doc. phil. dis.* (146 p.). Tashkent.
7. Jamoliddinova, D.M. (2011). *Semantico-grammatical and linguo-poetic features of Parenthetical units in artistic speech* (93 p.). Tashkent: Science.
8. Khoshimov, M.G. (2006). A complex sentence and its communicative-pragmatic types in multi-system (English, Russian and Uzbek) languages. *Questions of Philological Sciences*, 6(23), 69-73. Moscow.
9. Khoshimov, M.G. (2006). Structural-semantic-semantic-typing sentences in multi-system

- languages. *Questions of the Humanities*, 6(27), 229-232. Moscow.
10. Khoshimov, M.G. (2021). Linguo-cognitive and linguocultural nature of a complex sentence as a verbalizer of the concept of "subjective-modal assessment" in the language. *Collection of articles and conference materials* (pp. 134-149). Ferghana.
 11. Makhmudov, N. (1995). *Classification of complex sentences. Theoretical grammar of the Uzbek language* (pp. 106-220). Tashkent: Teacher.
 12. Makhmudov, N., & Nurmonov, A. (1995). *Theoretical grammar (syntax) of the Uzbek language* (146 p.). Tashkent: Teacher.
 13. Maskopov, V. (1970). About application constructions in the Uzbek language. *Uzbek language and literature*, 6.
 14. Mengliyev, B. (2011). *Sentence input and input extensions. Modern Uzbek language, syntax* (208 p.). Tashkent: A classic word.
 15. Mengliyev, B.R. (2018). *Modern Uzbek language* (200 p.). Tashkent: Tafakkur Bo'stoni.
 16. Meshchaninov, I. (1978). *Members of the sentence and parts of speech* (322 p.). Moscow: Publishing House of the Academy of Sciences.
 17. Mukhin, A.M. (1968). *The structure of sentences and their models* (230 p). Leningrad: Science.
 18. Mukhin, A.M. (1999). *Functional syntax* (184 p.). Saint Petersburg: Science.
 19. Nematov, H.G. (2011). The source and subject of syntax research. *Modern Uzbek language*, 46. Tashkent: Classic word.
 20. Nigmatov, Kh.G., Abdullaev K.M. (1984). Sentence structure and topical issues of the syntax of the Turkic languages. *Soviet Turkology*, 5.
 21. Nurmanov, A., Makhmudov, N., Akhmedov, A., & Solikhujayev, S. (1992). *Semantic syntax of the Uzbek language* (294 p.). Tashkent: Science.
 22. Nurmanov, A. (1988). Systemic study of language and certain disputable problems of syntax. *Uzbek Language and Literature*, 5, 22-26. Tashkent.
 23. Nurmonov A. (2011). New interpretation of adverbs. *Scientific Bulletin*, 2, 75-78. Andijan.
 24. Nurmanov, A. (2012). *Some reflections on sentence and its parts*. Tashkent: Akademnashr.
 25. Raupova, L.R. (2009). Problems of independent cutting and visual sentences in Uzbek language. *Dis. abs. can. phil. sci.* (26 p.). Tashkent.
 26. Sayfullayev, A.R. (1972). *Introductory parts in modern literary Uzbek* (84 p.). Tashkent: Science.
 27. Sayfullayev, A.R. (2000). *Semantics and grammar of parts of speech in modern Uzbek* (p. 127). Tashkent: Science.
 28. Sayfullayeva, R., Mengliyev, B. (2009). *Modern Uzbek language*. Tashkent: Science and Technology.
 29. Sayfullayeva, R.R. (1993). Form-functional interpretation of compound sentences in modern Uzbek literary language. *Dis. abs. can. phil. sci.* (46 p.). Tashkent.
 30. Sayfullayeva, R.R. (1994). *Formal-functional interpretation of compound sentences in the Uzbek literary language*. Monograph. Tashkent: Science.
 31. Tenyer, L. (1988). *Fundamentals of structural syntax* (654 p.). Moscow: Progress.
 32. Urinboev, B. (2001). *Modern Uzbek language* (168 p.). Samarkand: Publication Press Center.
 33. Usmanova, H. (2009). Positional structure of parts of speech in the Uzbek language. *Dis. abs. doc. phil. sci.* (41 p.). Tashkent.
 34. Yuldasheva, N.E. (2009). Formal-functional interpretation of an unextended sentence. *Can. phil. sci. dis.* Tashkent.